ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

"ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИГА РАҲБАР ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ"

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ

"ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ПОДГОТОВКИ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ СИСТЕМЫ СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО, ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ"

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE

"PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PREPARATION, RETRAINING AND PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF LEADING AND PEDAGOGICAL SHOTS OF SYSTEM OF SECONDARY VOCATIONAL, PROFESSIONAL EDUCATION".

II-тўплам

ТОШКЕНТ-2013

жараёни марказига ўкувчи шахси кўйилган табакалаш-тирилган ва том маънода шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишга имкон беради.

Ўкувчи-ёшларларни илмий-тадкикот фаолиятига жалб этиш самарадорлигини ошириш

Дуйсенов Н.Э., Байдуллаев А.С. Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи

Президент И.А.Каримов «Фан Ватан равнакига хизмат килсин» номли асарида: "...Бизнинг эн디ги вазифамиз-маънавий хаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура колипларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориг этишимиз зарур"[1],- деб таъкидлаганлар. Маълумки, ўкувчи-ёшларда оламни билишга, фалсафий мушохадага, психологик тахлилга, мантикий фикрлашга иштиёк ва харакат кучли бўлади. Шу билан бирга, уларда фантазияга мойиллик хам кучли бўладики, мана шу физиологик–психологик холат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилиш, илмий тадкикот ишларини бажариш учун мухим омил хисобланади.

Ўкувчи-ёшларнинг илмий тадкикот фаолияти, аввалламбор, илмий фаолият характерига мутаносиб бўлган хамда шахсий хусусиятларини ривожлантиришга каратилган усул (метод) ва педагогик шарт-шароитлар тизимини яратишни такозо этади. Ўкувчи-ёшларнинг ижодий тасаввурини ўрганиш ва ривожлантириш, бизнингча, илмий тадкикот фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги уфкларни очади, чунки олимнинг шахсияти айнан ёшлик даврида шаклланади. Ёшларда рефлексия, яъни ўз билимлари чегараларини билиш ва бу чегаралардан чика олиш кўникма ва кобилиятлари айнан ўкувчилик даврида намоён бўлади.

Ўкувчи - ёшларни илмий тадкикот ишларига йўналтириш давлат ва жамият тараккиёти билан бир каторда муайян хиссий-рухий эхтиёж касб этиши ва буни хар доим назарда тутиш лозимлиги маълум микдорда илмий асосланган бўлиб, бу ерда фикрларнинг уйгунлиги, илмий изланишлардаги ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик хамкорлик алохида кўзга ташланиб туради.

Илмий тадкикотлар тахлилларидан маълум бўладики, хар кандай илмий-ижодий фаолият шахснинг хиссиёти, эхтиёжи, рухий-аклий тараккиёти билан чамбарчас боглик равишда амалга ошади. Бинобарин, хар кандай ўкитувчи илмий тадкикот фаолияти ўкувчи шахснинг аклий камолотини таъминловчи омил эканлигини билиши лозим. Олиб борилган изланишлар натижасида шундай хулосага келдикки, "Педагогика фанида ўкувчи-ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятида юкори самарага кандай эришилади? Бу жараён кандай килиб максадли ва тизимли амалга оширилади?" деган саволлар хамон ўз ечимини тўлик топа олган эмас.

Шундан келиб чикиб, "Миллий гоя ва миллий мафкура талабларига жавоб бера оладиган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт куриш"дек бош гоямизни амалга оширувчи бўлажак мутахассисда шаклланаётган илмий-ижодий фаолият, илмий дунёкараш кандай талабларга жавоб бериши керак? Бўлажак ўкитувчининг мафкураси кандай ижтимоий талаблар асосида шаклланмоги лозим?" деган саволлар тадкикот иши жараёнида ўз ечимини топмоги лозим, деган вазифани ўз олдимизга кўйдик. Шахснинг мафкуравий онги муайян илмий дунёкарашлар мувозанатида ўз ечимига эга бўлмоги лозим. Шунинг учун олий таълим тизимида шаклланадиган бўлажак ўкитувчининг илмий-ижодий фаолияти факат янги билимларни ўрганиш, маълумот олиш билан чекланадиган бўлса, унинг ижтимоий мохияти юзаки бўлади.

1. Каримов И.А. "Фан Ватан равнакига хизмат килсин". 8-том. Республика Фанлар академияси 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқи, 1993 йил 5 ноябрь.

Республикамиз ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш кўп жихатдан ўкувчи-ёшларни илмий тадкикот ишларига максадли йўналтиришга богликдир. Бу ўкувчиларнинг тадкикотчилик фаолиятини муайян тизим асосида ташкил этиш талабини кўяди.

Илмий тадкикот ишлари инсон аклий фаолиятининг маълум максадга йўналтирилган ижодий харакатлари мажмуидан иборат. Бу фаолиятдан кўзланган максад ходиса ёки жараён тўгрисида янги илмий билимларни ўрганиш ва кашф этиш, уни такомиллаштириш хамда уларни ижтимоий хаётга татбик этишдан иборатдир.

Бугунги кунда жамиятнинг хар бир фукароси фан ва техника ютукларининг тобора ривожланиб бориши таъсири остида яшамокда. Бу яна шуниси билан хам ахамиятлики, техника ва технологиялар кун сайин такомиллашиб, ривожланиб бормокда ва натижада шунга мос етук мутахассислар тайёрлаш зарурати хам тугилмокда.

Илмий тадкикот ишларининг илмий-назарий ечимларидан бошлаб, олинган натижаларни амалиётда кўллашгача бўлган барча боскичлар "Ўкувчи-ёшларнинг илмий тадкикот ишларини ташкил этиш модели" асосида самарали амалга оширилишига эришилса, тадкикот иши муваффакиятли бажарилган бўлади.

Демак, ушбу жамиятга муносиб ва уни фаол ривожлантиришда иштирок этувчи шахс мутахассис сифатида илмий изланиш олиб бориши, олинган ахборотларни тизимларга ажратиши, муаммога хос фикр ва техникавий ечимларнинг макбул вариантларини танлаш усулларини билиши зарур. Аклий фаолият бевосита илмий-ижодий фаолият билан боглик бўлиб, у инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир. Ўз навбатида, тадкикот ва ижодий мулохазалар хам замонавий мутахассисдан илм-фан ютукларидан фойдаланиш оркали истикболли вазифаларнинг оптимал ечимини танлай билиш ва амалий фаолиятида тажриба-синов ишларини ўтказишни талаб килади. Зеро, жамият тараккиётида илм-фаннинг ривожи ва уни такомиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар хар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараккиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири бўлиб хисобланган.

Таълимда ноанъанавий тизимли ва ноанъанавий технологик ёндашувлар

Жўракулов Ф. - Олтинкўл КХК

Мамлакатнинг кучи фукароларнинг маънавий етуклиги, интеллектуал салохиятга эгалиги билан белгиланади. Фукароларнинг маънавий етуклиги, интеллектуал салохияти, таълим тизимининг мазмуни шахснинг хар томонлама ривожланиши учун хизмат килувчи моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, жамиятда карор топган ижтимоий соглом мухит даражаси, шунингдек, ахолининг этнопсихологик хусусиятлари, ахлокий карашлари ва хаётий эътикодлари асосида шакллантирилади. Юртбошимиз И.А.Каримов: «Биз ривожланган бозор иктисодиётига асосланган замонавий давлат куриш йўлига кадам кўйиб, кучли давлатдан кучли фукаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, факат миллий ва умумбашарий кадриятлар уйгунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салохият ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга кўйган стратегик тараккиёт максадларига эришиши мумкин», - деб таъкидлайди.

Замонавий таълимни ташкил этишга кўйиладиган мухим талаблардан бири ортикча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, киска вакт ичида юксак натижаларга эришишдир. Киска вакт орасида муайян назарий билимларни ўкувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни хосил килиш, шунингдек, ўкувчилар фаолиятини назорат килиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма хамда малакалар даражасини баҳолаш ўкитувчидан юксак педагогик махорат хамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.